

Машҳур баскетболчи Стивен Жексон Исломни қабул қилди



14:00 / 01.02.2021 2291

42 ёшли Стивен Жексон Филадельфиядаги «Ибн Усаймин» масжидида ўтказилган маросимда қатнашади. Кейинчалик буни ҳаётидаги унутилмас кунлардан бири деб таърифлайди, у ўзининг instagram саҳифасида. Шу ташриф сабаб, Стивен Жексон Исломни қабул қилади. Бу ҳақда theislamicinformation.com сайти хабар берди.

2015 йилда у 17 йил давом этган машҳурлик ва шов-шувли карьерасидан сўнг Миллий баскетбол ассоциацияси чемпионидан истеъфога чиқади. У NBA нинг ўзида 14 мавсум ўйнаган. 2002-2003 йилги мавсумда San-Antonio Spurs жамоасининг муҳим аъзоси бўлган. Шу вақт мобайнида у жамоаси билан NBA чемпионлигини қўлга киритган.

Ёшлигидан уни онаси Техасдаги Хюстонда тарбиялаган. Унинг ўғай укаси 16 ёшида зўравонлик билан ўлдирилган ва бунинг оқибатида Жексоннинг ҳаёти муаммалорга дуч келган.

Жексон ушбу қийинчиликларга қарамай, NBA чемпионлиги учун сабр матонат билан шуғулланишни давом эттирган спортчилардан ҳисобланади. У «Golden State Warriors», «Indiana Pacers», «Milwaukee Bucks» ва «Atlanta Hawks» каби жамоаларда ўйнаган.

«У Golden State Warriors нинг етакчи ўйинчиларидан бўлган ва жамоанинг юраги эди», дея таъкидлайди машҳур баскетболчи Барон Девис.

Хуршид Маъруф тайёрлади